

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

2. Яил чиқиши.
17 ФЕВРАЛЬ 1967 й.
ЖУМА.
№ 41 (196).
БАҲОСИ 2 ТИЯНИ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Чўл-жасорат майдони

СУРХОНДАРЕ ОБЛАСТ, ШЕРОБОД РАЙОНИДАГИ «СОВЕТОБ» СОВХОЗИНИНГ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯ ЛАШГАН БРИГАДА БОШЛИГИ ШОЙМАРДОН ҚУДРАТОВНИНГ ВАТАН ПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ ТЎГРИСИДА

гич партия ташкилотларига ўртоқ Қудратовнинг хатини кўлхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида нег муҳоама қилишни, бу ватанпарварлик ташаббусини нег пропаганда қилишни, пахтакорларнинг кўрнқ ерлардаги хўжаликларга кўнб борришларига ҳар томонлама ердм берришни топириди.

Республика, область ва район газеталари редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиошўхиртириши ва телевидение Давлат комитетига ўртоқ Ш. Қудратовнинг хатини эълон қилиш, радио ва телевидение ориали шўхиртириш, механизаторлар ва барча пахтакорларнинг унинг чақирғига берган жавобларини мунтазам равишда эълон қилиб туриш топириди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан, шунингден Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленуми қарорларига жавобан, машҳур механизатор, Сурхондарё области Шеробод районидagi «Советоб» совхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиги Шоймардон Қудратов «Совет Ўзбекистони» газетасида очиқ хат билан 15 февралда чиқди. У Шеробод чўлини ўзлаштириш, янги ерларда тузилган дахталчилик хўжаликлариди биринчи йилдан бошлаб оқ рентабелликка эришиш, айни пайтда бог-роғлар, уюмзорлар бунёд этиш, картошка,

сабзавот ва полиз экинлари махсулот этиштириш, ободончилик ишларини авж олдириб юборишга доир муҳим хатий масалаларни кўтарган. Хатда механизаторларга, айниқса ёшларга кўрнқ ерларга ўз оиналари билан кўнб бориб ишлаш, у ерда муҳим бўлиб қолишга даъват этилган ватанпарварлик чақирғи акс этган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Сурхондарё областидаги «Советоб» совхозининг бригада бошлиги Ш. Қудратовнинг ватанпарварлик чақирғини маъқуллади ва область, район партия комитетларига, кўлхоз ва совхозларнинг бошлан-

ИЛГОР БРИГАДА

Москва осто на ларидан келган курувчи бинокорлар орасида илгорлар ҳақида сўз кетса албатта А. В. Калинин бошлиқ бригада аъзолари ҳақида самимий гаплар айтилади.

12 кишидан иборат бу дурадгорлар бригадаси Киров районидagi зилзиладан зарар кўрган биноларни тиклашда талайгина ишларни амалга оширди. Улар 12, 37-мактабни, Тимирязев кўчасида жойлашган конструкторлик бюросининг икки қаватли биносини, бо л а л а р комбинатини ремонт қилиб бердилар.

Эндиликда бу дурадгорлар «Юлдуз» фирмасидаги қурилмишда меҳнат қилишяпти. Уларнинг кучи билан фирмада янги механика цехи ва омибор ишга тушириди. Бу ишга бригаданин А. Друшенский, П. Хавостов, В. Миркулов, И. Седих, А. Горелев сингари азаматлари жонбозлик кўрсатишяпти. Дурадгор йигитларнинг гайрат-шижоати бошқа бригадаларга ҳақиқатан ҳам ўрнак бўлмақда.

Поётмахт бунёдкорлари Массив жамоли

Болгар оғороти масивини кейинги йилларда беғиёс даражада ўзгартириб бермоқда. Масивда муҳташам турар жой бинолари, мансий хизмат кўрсатиш комбинатлари, магазинлар, янги-янги мактаблар қад кўтарди. Массив аҳолиси учун алоқа ва медицина хизмати яхшиланди.


Шу кунларда поётмахтнинг масивга борсангиз бунёдкорларнинг гайрат-шижоят кўрсатиб ишлаётганларини гувоҳи бўласиз. Улар янги-янги турар жой бинолари, магазин ва

мактабларнинг пойдеворини кўтармоқдалар. «Средатранс тр о йннинг 209-қурилиш бошқармасига нарасиш Александр Кесевон бошлиқ курувчиларнинг қўлаб теган меҳнатлари, айниқса таҳсинга сазовор д и р. Улар бир йўла иккита қаватли, 140 ўринли болалар богчаси, 4 ва 5 қаватли иккита уйни ҳамда 411 ўринли ётоқхона ни қуриятилар.

Эшмурод Нўлдосев бошлиқ гишт терувчилар, Пётр Скрипников бошлиқ дурадгор л а р, Георгий Крылов, Анатолий Суслов бошлиқ

сувоқчилар ҳамда Валентина Павлова бошлиқ бетошчилар бригадаси яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Бу бригадалар кўнб, ойлик топириқларини 130—140 процентдан адо этипти.

Бинокорларнинг гайратли Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига муносиб тўёна билан боришга қаратилган. Ҳозир тўрт қаватли, 40 квартирали турар жой биносиди пардоз жой ишлари олиб борилляпти. Азамат л а р 1-Май арасида ана шу бинони, 7 ноябрь



Жўра Тўлаганов поётмахтдаги «Подъёмник» заводи асбобсозлик цехининг пешкадам ишчиларидан ҳисобланади. У шу корхонада 21 йилдан бунён меҳнат қилаётган. Янгида шу завод термисти Жўра ака Тўлаганов «Хурмат белгиси» ордени билан мукофотланди. Суратда: Ж. Тўлаганов иш устида.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми

Республика Личинки Коммунистик Ешлар Союзи Марказий Комитетининг 16 февралда бўлиб ўтган IV пленумида бир мингдан ортиқ киши қатнашди. Пленумда КПСС Марказий Комитети Сийёси Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов КПСС Марказий Комитети 1966 йил декабрь Пленумининг ташкилотларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Пленум қатнашчилари шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда КПСС Марказий Комитети ва Совет хукуматининг КПСС билан Хитой Компартияси ўртасидаги, Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасида тугган сийбатини тўла маъқулладилар, совет хукуматининг Баёнотини узиликсиз қувватлаб, кизгин маъқулладилар.

ЯНГИ УЗЕЛ

Бутун 3-қурилиш трестига қарашли 36-бошқарма коллективи 6-экспериментал темир-бетон заводи учун бетон қорниш узелини куриб битказиб, топириди. Бу янги узел корхонадаги эски бетон қорниш узелидан воз кечин, махсулот сифатини кескин яхшилаш, иш суръатини ошириш ҳамда бир неча кишини бошқа иш учун ажратиб олиш имкониятини беради.

нинг биринчи секретари Р. Х. Абдуллаева ўз докладыда республика йигит ва қизлари шонли юбилейни кўнб олиш учун кўраётган тадбирлари ҳақида ахборот берди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Д. С. Едгоров Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети XII пленумининг (1965 йил) механизатор надрлар тайёрлашда республика юзасидан қабул қилган қарорларининг бажарилиш йиқилари ҳақида пленум қатнашчиларига ахборот берди.

Пленум ташкилий масалани қараб чиқди. И. В. Ларин партия ишига ўтганлиги муносабати билан пленум уни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети бюросининг составидан чиқарди ва Б. Н. Логиновни бюро аъзоси қилиб сайлади.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети IV пленумининг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. М. Матқонов, Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси М. Т. Турсунов қатнашдилар. (ЎЗАТА).



Чомбе планлари

БРАЗЗАВИЛД Чомбе ёланганлар ёрдамида июнь ойида президент Мобуту режими агарди ташлаш учун Конгога (Киншаса) хўжум қилмоқчи, деб ёзди. Браззавилда чиқадиган ҳафталик «Дипнда» журнали. Чомбе Европада, жумладан, Бельгия ва Францияда ёланувчиларни актив тортишда давом этмоқда, дейди журнал. Унинг ойнаги бориб 6-июнь чамаси ёланган аскар тўлашга мақсад қилиб қўйган. Уларнинг ихтиёрига самолётлар, енгил танклар ва бошқа замонавий қуруллар ҳам берилди. Ёланганлар армияси Мозамбик, Родезия ва Анголада баъза куради.

ОЛИМЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

12 март Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар кун

Серкўёш диёримизнинг шаҳар ва қишлоқларида 12 март кунини Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловларга пухта тайёргарлик кўриляпти. Айниқса, бу йилги сайлов совет халқи КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошираётган, социалистик эканомика ва маданиятимизнинг барча тармоқлари мисли қўрилмаган даражада юксалётган, коммунизм қурилиши йўлида халқимизнинг сийёсий активлиги ва гайратини жўш ураётган бир вазида ўтказилмоқда.

Кўчасидаги катта чойхонага жойлашган 12-сайлов участкасининг агитпункти. Хоналар Совети ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловларга пухта тайёргарлик кўриляпти. Айниқса, бу йилги сайлов совет халқи КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошираётган, социалистик эканомика ва маданиятимизнинг барча тармоқлари мисли қўрилмаган даражада юксалётган, коммунизм қурилиши йўлида халқимизнинг сийёсий активлиги ва гайратини жўш ураётган бир вазида ўтказилмоқда.

Салимовнинг «Ўрта Осиёда ер қимирлаш тарихи» ва сийёсий-иқтисод фанлари кандидати М. Ортинковнинг «Совет ҳокимияти маълум халқларга озодлик бахти ва саодатли йўлни кўрсатиб берди» деган темадаги суҳбатларини сайловчилар мароқ билан тингладилар. Л. Утиев сайловчилар билан «Халқро ахвол» тўғрисида навбатдаги лекция ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда. Агитаторларнинг бу каби маълумоти суҳбатларини «Болшевизм», «Бакт», «Богча» ва «Унумли» кўчаларида яшовчи аҳоли хўрсиди И. ТАСЛИМОВ.



НАМУНАЛИ АГИТПУНКТДА. Поётмахтин Ленин районидagi 8-сайлов участкаси қошида ташкил этилган агитпункт. Шу кунларда намунали ишлар амалга ошди. 60 агитатор сайловчилар ўртасида суҳбатлар ўтказмоқда. Янгида бу агитпунктда ёш сайловчиларнинг меҳнат ветеранлари ҳамда депутатликка номзоди кўрсатилган ўртоқлар билан уррашуви ўтказилди.

МАҲАЛЛА АГИТАТОРИ

Марҳабо Арслонованин Октябрь районидagi «Иттифок» маҳалласида тез-тез учраш мумкин. У киз гоҳ хонадонларда, гоҳ маҳалла комитетиди бўлиб, кишиларнинг қизиққан саволларига пухта жавоб бериб, уларни фан ва техника янгиликларидан хабардор қилиб туради.

тушунтириш ишлари олиб боришининг ўзига хос томонлари тўғрисида гапириб, шундай дейди: — Илгари агитатор одамларга ҳар қандай воқеани гапириб беравериш мумкин, деб ўйладим. Пўк, кейин билсам, оммага халқимиз эришган ютуқлар, ҳаётимизда юз берадиган аjoyиб янгиликлар тўғрисида кўпроқ ҳикоя қилиб бериш зарур экан. Бунинг учун пухта тайёргарлик кўра-

айтсам, одамлар аввалга жим тинглашди. Кейин ўзларини қизиқтирган саволлар билан муножабат қилишди. Бажарилиб жавоб қайтардим.

ХОНАДОНЛАРДА СУҲБАТ

— Ойи, ойи агитатор одамлар келдилар, — дея ичкарига тақдир қилди Қодир Насиба Назаровани. — Тўғри кириб келавармайсизми, айла-наки қизим, — Мунаввар опа Юсупова Насибани эски кадрдонлардек ичкарига бошлади. Ҳа, Н. Назарова бу хонадонларда илгари ҳам агитаторлик қилган. Шунинг учун уни Киров районининг Маърузи кўчасида яшовчи катта-кичик яхши танийди.

ДЕПУТАТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Социал таъминот министрлигига қарашли Профтехника билим юрти биносидagi 61-сайлов участкаси бугун ҳар кунгидан ҳам одамлар билан гавжум. 300 кишилик зал одамлар билан лиқ тўлди. Бу ерда 1965 йилда Чилонзор район Советига сайланган депутатлар Б. И. Пинхасов ва Антонина Павлова, Хлебущкина ўз сайловчиларига кейинги икки йил мобайнида қилинган ишлар ҳақида ҳисобот бердилар.

АМЕРИКАЧА ТЕНГЛИК

Америка тарғиботчилари ҳар қандам тинмай «озодлик», «демократия», «барча учун тенглик», «жамнатанисол хавти тўғрисида жар солади. Ленин бу тарғиботнинг бутунлақ қелбакилиги ва оқиндан-оқин ёлғонлиги ҳаммага ёлғон.

ли ҳисобланади. Давлат секретари Ракс эса бир вақтлар «Роқфеллер фондидан президент бўлган. Мудифава министри Макнамара ҳам Форд заводиндан келувчи 1600 миң доллар ақчага булган миллионер Нью-Йорк штатининг губернатори. Рокфеллернинг бойлиги 3,5 миллиард доллардан ортиқ сенатор миллионер бор. Булар қандай кишилар?

АҚШ президенти Жонсоннинг ўзи Американинг йирик нефть корпорасини белгилаб берди. АҚШ конгресси, ҳукумати ҳам ана шу капитал акри билан иш тутайди.

Гарчи ҳокимияти Америка ташвиқотчилари «миллий» ва «халқлиқ» деб атаса-да, у ерда бирорта иши ва фермерларнинг вақилини топиш кийин.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ, Озодлик армиясининг жангчиси Тай Нинь икпостдаги бошиқларга қарши нурашди.

Бу уй ёнида 100 квартирали яна бир уй ўз чиройини кўзқўз қилляпти. Бинонинг қисса вақт итида қад кўтаришда К. Муненин бошлиқ бригада аъзолари аjoyиб меҳнат намуналарини кўрсатдилар.

Москваликлар квартали

Янги уй-жойларни бойдаланишга қабул қиливчи давлат комиссияси 26-кварталда москвалик курувчилар бунёд этган уйлариинг бир нечасини қабул қилиб олди. 179-қурилиш бошқармасининг прораб С. Г. Грачев бошчилигидаги курувчилари тинглама 50 квартирали даңгиллама уйга эзлизладан уйлари шикаст кўрган одамлар қўнб кирдилар.

Бу уй ёнида 100 квартирали яна бир уй ўз чиройини кўзқўз қилляпти. Бинонинг қисса вақт итида қад кўтаришда К. Муненин бошлиқ бригада аъзолари аjoyиб меҳнат намуналарини кўрсатдилар.

Москвалик курувчиларнинг меҳнати мақтаса арангудек, Улар қисса вақт итида бутун бошлиқ бир квартални бунёд этмоқдалар. Бу кварталда қўнб-қўнба 50 квартирали уйлари қуриляпти икпостга етказилмоқда.

МИЛЛИЙ КИЙИМ КИЙИШ УЯТМИ?

Хайтиани борган сари фаровонлашиб, турмуш маданиятини кун сайин гурираб ўсаяти. Одамларнинг кийим кийишлари ҳам катта ўзгариш бор. Хушбинча, кўйла Европа кийимлари турмушнинг синги борапти. Бу яхши. Лекин биз ўз миллий кийимларимизни ҳам унутмаслигимиз керак, демократия. Чунки миллий кийимларимизнинг ўзига ҳозир томонлари борки, улар ўзини ҳеч қандай бошқа илбослар босолмайди. Бирок айрим ўртаклар миллий кийимларга «бу қолоқлик» маъносиде қарашди.

Айтайлик, ҳозир қишлоқ, ҳозир қишлоқ палато ёки меконтошда юриб кўза суғориш ёхуд пахта териш жуда ноқулай иш бўлур эди. Шунинг учун бўлса кераки, даладаги захматқаш пахтакорларимиз чопон ва этикин фохр билан кийдилар.

Бу ҳолни кўздан кечирган ҳар қандай соғлом фикрли киши ўйлаб кетади: миллий кийимларимизни камситишдек бемаъни хато қараш қардан пайдо бўлди экан! Миллий кийимларга ақалли одоб юзасидан ҳурмат билан қарамлик маданиятнинг кўрсаткичи бўлиши керак. Чунки миллий кийимларимизда ақалли одоб юзасидан ҳурмат билан қарамлик маданиятнинг кўрсаткичи бўлиши керак. Чунки миллий кийимларимизда ақалли одоб юзасидан ҳурмат билан қарамлик маданиятнинг кўрсаткичи бўлиши керак.

Фалсафа фанлари кандидати Ф. Насилов «Марксизм-ленинизмнинг ҳақиқий асослари»га муносабати номили китобиде ўзбек кийимлари билан боғлиқ бўлган сарпо кийимини тўғрисида шундай фикрни айтиди: «Ўзбеклар ўз меҳмонларига чопон кийгизар эканлар, «бу билан меҳмонга нисбатан энг самимий ва энг илқ тўғуларини ифода этдилар; улар ўз меҳмонларига дўппи кийгизар эканлар, меҳмоннинг доимо соғаломат бўлишига истак билдиридилар; белбоғ боғлатар эканлар, меҳмоннинг куч-

ли, иродали, сариштали ва ишчан бўлишига истакларини ифода қилдилар».

Жуда маъқул изок! Ҳақиқатан, шундай Свєрдлов концерт залиде ширин концерт берган Озарбайжон ССР да хизмат кўрсатган артист Муслим Магомедов ҳам сарпо (дўппи, чопон, белбоғ) кийгизилди. Шунда томоша залиде гулдурс ва давони қарсақлар кўтарилди. Бу албатта, ўзбек руҳининг, ўзбек урф-одатининг, ўзбек меҳмондўстлигининг танимаси эмасми!

Тўғри, ҳулқ-оодоб ва маданияти фақат кийим-кечакдан кидириш юзасидегилик ва шаклбозликка олиб боради. Ахир, муттаҳам, порохўр ёки бюрократ ҳам замонавий кийимга яширинган бўлиш, ёхуд, аксинча эски, ўзбек чопонидеги кимса ҳалол, меҳнатқаш одам бўлиши ҳам мумкин. Бирок асосий гап бунда эмас; бу урмдан гап кийим-кечакка муносабат ҳақиде, ҳулқ-оодоб ва маданиятнинг кийим-кечак билан боғлиқ томони тўғрисида бормоқда. Ҳақиқатда кенг тарқалган латифалардан бири шу мазога бағишланган. Унда айталикчи, Машраб эски чопон кийиб, меҳмонга борса, унга зўра «Келинг!» деб, оstonага эътиборини қўйиб, «Машраб уйига қайтиб, янги кийимда яна ўша жойга борса, уни тўра чўқиб, юкори эхтиром кўрсатилди. Шунда Машраб энг чопонининг барларини томига солиб, «е, тўра, е!» деди. Мазонлар бу гапининг маъносини сўраганларда, Машраб жавобини қисқа қилиб: «Сизлар мени эмас, чопонини ҳурмат қилдингизлар» дебди-да, жўнаб қолдиби. Бу латифада инсонларнинг, одамшавандлик ва меҳмондўстлигининг, умуман Шарққа, жумладан ўзбекларга хос бир принциплари сурилган.

Ҳозир бизда кийимга сизинишининг, одамни эмас, балки матоини ҳурмат қилишининг шакллари ўзгарган бўлиб, унинг ички хиллини учратиш мумкин; биринчидан, умуман энг ва чиройли кийинган кишига ортиқча эхтиром кўришиш, иккинчидан, Европада хушбинчи кийинган кишига хусусан ортиқча иззат-ҳурмат кўришиш. Кийимга сизинишининг бу ҳар иккаласидеги асосий касали шундаки, уларда инсон қадри ниҳ-

ятад камситилади, яъни қадр-қиммат кийим билан ўлчанади, инсон матога тенглаштирилади. Бунда кийим инсонга эмас, инсон кийимга бўйсундирилади; сийсий иқтисодчилар тили билан айтганда, инсон истеъмол қийимати яратувчи ижтимоий муносабатларнинг йиғиндиси сифатида эмас, балки истеъмол қийиматга тенг келадиган бўлишга кайлантирилиб, кийим билан қиёсланади; кийим эса умуман инсон қадрини белгилайдиган умумий эквивалент, беқиёс бир ҳодиса сифатида майдонга чиқади. Бу масаланинг фақат бир томони, лекин моҳиятти томони.

Масаланинг иккинчи мазмуни томони шундаки, Европада кийимга ортиқча зўб берилиши тўғрисида миллий кийимни севадидан миллионлаб кишиларнинг маънавий маданияти нотўғри баҳоланади; уларга нисбатан ҳурматнинг зарурий даражаси пайсайдандай бўлади, миллий кийим тарафдорларининг, миллий ифтихор эгаларининг туйғулари ноҳақ ва ноўрин ранжитилади. Ахир, кийим-кечак маданиятнинг янги асосига бўлиш мумкин эмас-ку! Ахир, инсоннинг инсонлигини ва инсонларнинг унинг унинг миллий ёки Европада кийим-кечак эмас, балки ички маънавий дунёси ва ҳалол меҳнат низоҳат келди-ку! Европада қийимат ҳозирги кино асарлариде энг салбий образлардан хоҳланганини сизингизга келтириш: уларнинг ҳаммаси сирдан европача кийинишган. Еки биз ҳақда халқининг атоқли арбоби Жавоҳир Неруни ўз миллий кийимда тасаввур этамиз. «Чангда қолган гул» номли кинд кинофильмде бевафо бойвачча — кинд йигити эса Европада кийиниши ҳам яхши билдирган «маданият» шакли. Кўришадик, асл маданият, асл одоб, асл мазмун — инсоннинг кийимиде эмас, балки даставвал ички оламиде. Инсонни фақат кийимга қараб «ҳурматлаш» эса, аслида инсонни ҳурматлаш бўлмай, камситишдир.

Энди масаланинг учинчи томонига эътиборни жалб қиламиз. Бу — миллий кийимнинг ҳақиқий тарихи, халқ маданияти, халқ урф-одати билан алоқадорлиғидир. Миллий кийимларга муносабатда буни ҳисобга

олимаслик турли чалқашлик ва хатоликларга олиб келади. Бир гап билан ифода этганда, миллий кийимларга ҳурмат масаласи — бу муайян миллатга ҳурмат масаласи ҳамдир. Бас, шундай экан, ўзбек миллий кийимларига ҳурматсизлик билан қараш ҳам одобсизликдан бошқа нарса эмас. Зотан, бизнинг кийимларимиз ота-боболаримизнинг минг йилларча тарихи ва урф-одатлари билан, жонанжон ўтмишимиз билан ўзвий боғлиқдир.

Ҳа, миллий кийимларга ҳурмат халқ тарихига ҳам ҳурматдир; бинобарин бу ин-тернационализм билан ҳам маҳкам боғлиқдир. Ахир, ўз халқини, унинг тарихини, унинг маданияти ва кийимини ҳурмат қилмаган киши ўза халқларини ҳурматлаш даражасига кўтарилиши мумкинми! Бизингча, миллий кийимларимиз ўзбекча гўзаллик ва гўзаллик масаласининг ҳам бир томонидир. Аммо уларни текомиллаштириш ва кўркамлаштириб бориш зарур. Бичими, шакли эскиб-қирқиб қолган ўзбек кийимларини замонавийлаштириш ва текомиллаштириш устиде бош котириш зарур эмасмики! Ўзбек аёлларининг — миллий кийимларига кейинги вақтларда бир мунча текомиллашган бўлса-да, ўзбекча чопонлар, тўн, камзуллар, бош кийимлари (турли дўппилар, телпаклар, жигалар, папоқлар, ёш болеларнинг бош кийимлари) ва ранг-баранг ўзбек пойфазаларини соддалаштириш, хушбинчи қилиш ва арзон баҳода кўплаб ишлаб чиқариш устиде дурустроқ ўйлаб қурилган йўқ. Масалан, ўзбекча бекасам тўнинг бичими бундан юз йил олдин қандай бўлса, бутун ҳам асосан шундайдир. Бу ўрнда шунинг ҳам таъкидлаш зарури, ҳозир кенг қоллоқчилар ва кийимлари, яъни коржомаларни давлат йўли билан кенг тарзда ишлаб чиқаришни жорий қилишининг лойиҳа этилди.

Бу иш билан шуғулланувчи фабрика коллективлари шулар ҳақиде ўйлаб қуриши керак.

Маҳмуджон НУРМАТОВ,
фалсафа фанлари кандидати.



Нукус шаҳридаги пионерлар саройида тасвирий санъат тўғрисидаги очилиш пионер ва ўқувчиларга катта қувонч келтирди. Сўлим диврига қўйилган кўнгли кўйган юзга янги ёшлар ош ўфуратда шу тўғрисида келди бўлиди. Ёшларга Светлана Свобода раҳбарлиги қилиб, расм чизи санъатининг ўргатиши. Янгида ёш раҳмонлар асарлари кўргазмаси ташкил қилинган выставка очилди. Расмларнинг кўпчилиги ёрқинлиги, тасвирий бўйининг жингаворлиги билан томошабинларга манзур бўлди. Ёш раҳмонлар шу кунларда Совет ҳокимиятининг 30 йиллигига бағишлаб, катта бадиий виставога тайёрландилар.

Суратда: С. Свобода ёш раҳмонлар билан.
А. Ходанов фотоси. (ГАТАГ фотохроникаси).

ХАРИДОР МУЛОҲАЗАСИ

Шу кунларда марказий университетда пайпоқ-трикотаж фабрикаси ишлаб чиқараётган буюмларнинг хиллари ва сифати ҳақида сиртқи савдо конференцияси ўтказилмоқда.

Конференциянинг мақсади — маҳсулот сифатини яхшилаш, трикотаж молларнинг хиллини кўпайтиришдан иборат. Таклифлар ва кўрсатилган камчиликлар барча нуқсонларни йўқотишга ва маҳсулот сифатини яхшилашга имкон беради.

Ҳозирнинг ўзида харидорлар таклифлар дафтаридаги напройдан тикланган эркаклар кўйлагини, напройдан кўнгли, сунъий ипладан ички кийимлар ҳамда болалар учун трикотаж буюмларини кўплаб ишлаб чиқаришни ёзиб қолдиришмоқдалар.



Комсомол аъзоси Сарвар Сафарова бундан бир йил муқаддам пойтахтдаги 5-шаҳар ҳунармандчилик билим юртини тамомлаб, «Кизил тоғ» тикув фирмасига тикувчи бўлиб ишга келган эди. Қисқа муддат ичиде бу чевар ишчан қиз ўз касбини пухта эгаллади. Ҳозир у ўз топширқларини мунтазам ошириб бажариш билан бирга аёло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарапти.

Суратда: чевар Тикувчи С. Сафарова.
М. Нуриддинов фотоси.

КЎЗДА НУР, ДИЛДА СЕВИНЧ

Сирожиддин ака ҳаёт дарёсига қўмди, қалбига алам тўлиб, сўйр кўзларига ёш келгандек бўлди. Мана икки йил бўлдики, битта-битта сор кўзи олам гўзаллигини кўришдан маҳрум. Яқин-фарзандлари, неваралари дийдорини кўришдан маҳрум. Яқин дағина боғларда қулф урган муаттар гуллар, жигаргушлар ва ит табассумини кўриб қалбиде олам-олам севиноч қўшарди. Лекин икки йил бўлдики, унинг кўзини ҳам, дилини ҳам зулмат қоплади. «Наҳот умрим шу залда ўтса, наҳотки кўр деган сўзини эшитсам, ўз йўлини топиб зора олмасам. Илму фан, шунчалик кудратга эга бўлган, равоқ топган замонада врачлар кўзимни ота олмас».

20 йилдан бери унинг бир кўзига оқ

тушиб қўрмайдиган бўлиб қолган. Энди эса иккинчи кўзи ҳам хи-ралашиб.

Сирожиддин ака на-салхонада ётар экан, хаёлидан ана шундай ўйлар ўтарди. Албатта врачлар, ҳамширалар қўлларидан келган ҳамма чорани кўриш-ти, лекин ҳозирча наф бергани йўқ. У изтиробга тўлиб ўти-рар экан, доцент Ко-милов кирди, ҳол-аҳ-вал сўрашди:

— Сирожиддин ака, — деди у, — мана, билди турибсиз, қўли-миздан келган барча чорани кўриямиз. Ле-кин операция қила-мас бўлмайдигана ўх-шайди. Рози бўласан-гиз, операция қилсам.

Сирожиддин Насрид-диннинг ўнг кўзини икки йил даволашди, лекин наф бўлмади, уттирар бошқа бемор-ларнинг унинг дарди жу-да оғир, унинг устига ошқозони ҳам оғирдир.

Бу ҳол врачни қаттиқ ўйлантириб қўйди. У 2-темир йўл насалхо-насининг бош врачини — шогирди Моҳир Коми-лов олдинга берди.

Шогирд билан устоз маслаҳатлашиб, бир фикрга келишди. Ахир-ри 20 йил кўрмага кўзи операция қилиш-га қарор қилинди...

Операция муваффа-қиятли ўтди. Лекин оқибат қандай бўлди. Агар Сирожиддин ака бақувват, соғлом бў-лганда бошқа гап эди. Ҳамма гап унинг на-салхондаги. Муҳам-мадjon Комилов ҳа-жонга тўлиб, насалхо-нада эшигидан кириб бorganида ҳали қуёш-ти урмаган эди.

У палата эшигини охишта очди. Сирожид-дин ака қаравонда бо-рини кўли солганча ўтирар бошқа бемор-ларнинг унинг дарди жу-да оғир, унинг устига ошқозони ҳам оғирдир.

ШИҒОҚОРЛАР МИНБАРИ

кута юракларни эзилган инки одам — олам-олам севиночга тўлишди.

Медицина фанлари доктори, доцент Муҳаммадjon Комилов бутун умри давомида саломатини йўлида иш-ламоқда. Унинг олтин кўзлари неча юзлаб одамларнинг кўзига нур, дилга севиноч берди. Унинг кўз ости-да намол топаётган шогирдлари ҳам унинг изидан боояпти. Мана, улардан бири Тошкент шаҳридаги 2-темир йўл насалхонасининг бо-шлиғи Моҳирjon Коми-лов.

Моҳир ака 1952 йилда медицина инсти-тутини битиргач, те-мир йўл насалхонасига лаборант-врач бўлиб ишга келди. Орпдан неча йиллар бир-бири-ни кувип ўтди. 1956 йилда у шу насалхо-нага бошлиқ қилиб тай-инланди. Бу Моҳир-jonнинг меҳнатсевар-лиги, камтариялиги, олижаноблиги ва кас-бига ошиқлиги учун ишонч эди.

— Кунлардан бири-да насалхонада кўз насалхонада «булим-даги беморларни» да-воловчи Муҳаммадjon ака Комилов (у киши асосан бошқа жойда ишлайди, лекин бизга ҳам ёрдам беради) би-лан суҳбатлашиб ке-тдим. У ўз касби ҳақи-да завқланди гап ра-рав экан, дилимда шу на-сбса меҳр уйғонди. Мен у нисидан устоз бўлишни илтимос қи-лдим. Мана 10 йил бў-ладик, устоз қўлида тарбия топпаям. — Ба-ракалло, совет врачла-рига.

— Бундан уч йил олдин бирдан янқала кўзим хиралашиб, бу-тунлай қўрмайдиган бўлиб қолди. Дунё қ-зимга тор, дилим ҳу-фтон бўлди, ҳеч нарса татимайди, душманин-нинг бошига тушма-син бу кун. Дунёда кўз кўрмаса ё м о з экан. Муҳаммадjon билан Моҳирjon Ко-милов кўзимни опера-ция қилиб, очинди. Қайси тил билан ми-надорчилик айтиб бу-ларга. Пуқ, дилдаги севиночнинг изҳор эъти-фа сўз тоилмас керак. — деди Усмон ака Ик-ромов. — Ана у Ах-ror отани айтмасиз-ми, 85 ёшларда. Ик-кала кўзлари ҳам оқ-ноки эди. Бир га операция қил ишди. Ҳозир отанинг кў-зида нур. Эшим 72 да. 1954 йилда кўзим кўр бўлиб қолди. Ҳозир газета ўқийман. — Ба-ракалло, совет врачла-рига.

Комиловлар номига айтилган бундай ми-надорчилик сўзларини кўп одамлардан эшитиш мумкин.

М. МУСЛИМОВ.

ЖАСОРАТ ШАҲРИ

Самарқанд обла-сти, Каттақўрғон шаҳридаги Иноят опа Жабборова мудирлик қилаётган 2-сон кутубхонада «Тош-кент — жасорат шаҳри» номли бурчак ташкил этилди. Кутубхона му-дирини И. Жабборова, унинг залининг мудирини М. Ус-монова ҳамда шаҳарда-ги С. М. Киров ва В. И. Ленин номи мектаб ўқувчиларининг таша-буси билан ташкил этил-ган бу бурчак китобхона-ларнинг диққатини жалб-қилишмоқда.

Бурчакда «Тошкент ва тошкентлик-лар» номли фотобалбон, фотозағета ҳамда Тош-кентни мадэ этувчи кит-об, брошюра, газета ва журналлар мавжуд.

Кутубхонанинг ўқиш за-лда «Тошкент — жасо-рат шаҳри» номли кеча ўтказилади. Кечага Кат-тақўрғондаги бир қанча ташкилотлар, китобхона-лар ҳамда ёш инқорлар таклиф қилинади.

Каттақўрғонлик некса газеталар, педагог Мас-лаҳаддин Салохий, ёш шоирлардан Нурад Ҳо-жон ва Меле Топшевлар ўзларининг Тошкент га атаб ёзган бир неча шеърларини ўқиб берди-лар.

А. ҲОШИМОВ.

ТОШКЕНТ МАКТУБЛАРИ

Ҳар бир киши ҳам ҳаётда лоақал бир марта босиб ўтган йўлига четдан туриб бир назар солиши керак экан. Биз умримизда йхшини ҳам, ёмонни ҳам кўрдик, аччиқ-чучукин татиб кўрдик. Лекин шуларнинг ҳаммасини бир оқибат назар ташласанг, энг муҳими кўзга янқоқ ташланиб қолар экан.

Урта Осиёда аерлар давомида киши ҳақида гап борганда: Туғилдию ўлиб кетди, дейишган. Кўп кишиларнинг ҳаёти шундай мевасиз, фойдасиз ўтиб кетаверган. Лекин менинг тенгдошларим — замондошларим ҳақи-да бундай дейишга ҳаққимиз йўқ, бундай дейишга тил ҳам бормайди.

Улар ярим аср давомида аерлар бўйи қилиб улгур-майдиган қанча-қанча ишларни қилиб қўйдилар. Уларнинг меҳнати тўғрисида инсон ҳаёти, унинг тақдирини — ҳаётнинг марказий масаласи бўлиб қолди. ҳамма нарса унинг бахти билан ўлчанадиган бўлиб қолди.

Энди: «Ишсиз одам — эшак, орусиз киши — кесак» дейишадилар. Чиндан ҳам ҳозир инсоннинг ҳаёти унинг меҳри, орузу — интилишлари, қилган ва қилаётган иш-лари билан ўлчанади.

Ҳозирча хайр... Ориф билан хайрлашдим. У мени аэропортга олиб келиб, хайрлашаётганида кичкина чиройли ипелани совга қилиб берди. Унда зарғалдоқ рангли кўбш ва қўй шохининг рамзий расми солинган.

...Саёхатимиз тугади. эсдаликларимизга, хотираларимизга нўнча қўяямиз. Етти соатдан кейин Москвада бў-ламан. Яна бугун ва эртанинг ташвиши билан яшай бош-лайман.

Ҳаёт ўш шундай. Икки йилдан кейин 26 июль 1966 йил Тошкент. Яна Тошкентдан. Шаҳар роппа-ропа уч ойдан буён қимирлаб турибди. Олти юз мартадан ортқи ер қимир-лагани рўйхатга олинган.

Чилонзорда янги массив қураётганларнинг чодирлари-да эрталаб эзилган лаҳзани кўрдим: «Эи икки балли рақсалар кесам».

Қалтин ҳаёти дурсиз! Ҳа, қалтин деса ҳам бўлади, де-маса ҳам бўлади.

Чунки кишилар бу ерда уч ой давомида қанча тўғу-ларни юракларидан ўтказдилар, кўп вояларининг гу-лоҳи бўлдилар, ҳаёли — мутойибага қўнқилиб қолдилар. Дастлаб қаттиқ силкинчи (бу «силкинчи» сўзининг ўзи ҳам шу аниқла пайтда туғилди) бўлди. 26 апрель тоғотарида тўсатдан ер гумбирлаб, силкинди. Дево-рлар қимирлаб, шувоқлар тўкилди. Айрим тоғлар уйилиб тушди. Кўзга қўрнамас улкан, забардаст қўллар, қафти билан қиснанден, кўп қаватли уйлар ғичирлаб, деворлар ерилади. Бутун шаҳарни итларнинг товуси қоплаб ол-ди. Тошкентликлар ҳайратда қолдилар. Улар нима бў-лаётганини тушунамай, қўрпаларидан чиқасолиб, ҳовли-га, кўчага югурдилар...

— Бир нарса гумбирладию, уйғовиб кетдим. Уй ҳо-зир ўширилиб тўшадиандек, тебонди турарди. Итлар ўзини дарвозага уриб, тўхтовсиз воявиллади, улийди.

Деразада эса ҳеч бир хил ранга ўхшамайдиган, носимин ёруғлик кўришиб, уйларни даракларини, осмонни ёрит-ди. Ҳаёлимга биринчи бўлиб: «Атом уруши!» — деган фикр айл этиб келди. Бомба Чирчиқнинг ёиларига ту-шган бўлса, бу ерга тўлқини етиб келибдида? Чўнтагимга

(Давоми. Боши газетанинг 20—28 январь, 1—16 февраль сонларида).

Виктор ВИТКОВИЧ

ҳарбий билетини солиб, «Спидола»ни қўлимга олдим. Чопишаётган кўшинларга қўшилиб, кўчага чиқдим...

Кўп ва қизиларни асарлар ёзган тошкентлик ёш ёзув-чи зилида тафсилотини Сидельников менга шундай ҳикоя қилиб берди. У Тошкент марказидаги тўрт қават-ли уйда хотини, болаларни бувиси ва инглиз зотли икки ити билан туради.

...Ҳар ким қўлига иланган нарсани олиб чиқибди. Шаҳарда чироқлар ўчган, норонги, «Спидола»нинг кў-логини бурдими — жим. Анча вақтдан кейин эфирда товуш пайдо бўлиб, ҳеч нарса бўлмагандек диктор олдин хабарларини ўқий бошлади. Кўчаларда «Тез ёрдам» ма-шиналарининг чиқириғи эшитишга бошланди. Қўлаган уй-лар атрофида кишилар тўдалашиб, ичкарида қолганлар-ни кўришиш тараддудини кўриштирапти. Зилзиланинг оқи-бати ҳаммага равшан бўла бошлади. Радио эса ҳамон бемалол эрталабчи бадан тарбия машқларини эшиттирар-ди. Ниҳоят: «Тошкентда зилзила бўлди...» деган хабар-ни эшиттирдим.

Ҳали ҳам Тошкентнинг бахти бор эканки, ер верти-кал равишда қимирлабди. Шу сабабли шаҳар Ашхобод-дек вайрон бўлмади. Дахшатли гумбирлаш тиниши би-лан кишилар бир-бирларига қараб, жароҳатланганларга кўмаклаша бошладилар. Бундай қараганда тўе ҳеч нарса бўлмагандек Тошкент қандай бўлган бўлса худди ушан-дай турибди! Ичкилган уйлар қўрқинмайди, йиқилган-лар бўлса ҳам бир миллион аҳолиси бўлган бу шаҳар учун жуда озадай туюлади.

Лекин одамлар уйларига кириб, ёрилган девор, уйил-ган ишп, тўкилган шувоқларни қўрғач юз берган офат-нинг бутун дахшатини ҳис эта бошладилар. Деворларни биров тилка-тилка кесиб юборгандай, Эшик — дераза-лар қийайиб қолган. Катта-катта уйлар ҳавога осилиб тургандай.

— Қўлингизни тегизиб кўринг! — деди Сидельников қўшинларининг деворини кўрсатиб.

Бармоғимни тегизиб билан девордан тустроқ тўки-либ, шувоқлар юзони нарсалек қимирлади.

...Ташқарида аяғиндан икки деворга қозниқ қўниб бо-ғлаб қўйган эдимки. Зилзилалдан кейин қарасам аяғинга йў-лакка ётибди. Икки девордан қозниқ ҳам сугурилиб тушибди. Ҳисобладим: ер қимирлаган пайтда бир девор иккинчисидан қирқ сантиметр нари сурилган экан! Ҳа, мана шу қалин, йиғиш деворлар!

Шунда Тошкентдаги кўп уйларнинг деворларинда: «Ле-лакдан юрмаг!»., «Ҳафил!»., «Уй ишканишадан!» де-ган ёзувлар пайдо бўлди. Кўчаларни кезиб: «Ҳайдовчи!» Эҳтиёт бўл, кишилар кўлинг ўртасидан юриштири!» де-ган ёзувларни ўқидим. Шикантланган уйлар ер қаттиқ силкинчи билан қулаши мумкин. Шаҳар марказидаги силкинчи ҳаммаси (Тошкентдаги ҳамма уй-жойларнинг уйларининг ҳаммаси) ишканишдан, йиқилмаган бўлиб қол-ган экан. Бу уйларда яшаётган кишиларни зудлик би-лан кўчириш зарур эди.

Шаҳар 1-Май байрамини чодирларда кутиб олди. Ле-кин ҳали сўт эмувчи гўдак ва мактаб ўқувчилари билан, чамалон, сандик, қаровотлар билан, мушук, радиопри-ёмник, холодиликлар билан, қозон-товову, майда-чуйда-лар билан чодирда яшаш осмон! Бунинг устига иссиқ-ни айтмайсизми! термометр сояда 40 — 45 даражани кўрсатиб турарди!

(Давоми бор).

Шоирга бағишлаб

Кўйишера районидеги 171-йўл мактабда улғў ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий туғилганининг 525 йиллигига бағиш-ланган адабий кеча ўт-казилди.

Кечада улғў шоир-нинг ҳаёти ва икони ҳақида 10-синф ўқу-вчиларидан Н. Гуломов, М. Усмоновлар доклад қилдилар. Сўн-ра қўйувчилардан Т. Раҳимқўлова, Ш. Маҳ-лаевлар шоирнинг ли-риқ асарларидан парча-лар ўқидилар.

Кеча охирида адаби-ёт ёшларнинг Ш. Шод-монов раҳбарлигида-ги драма тўғрақ аъзо-лари «Навий» спек-таклидан парча кўрс-атилиши.

Суратда: Фрунзе районининг ҳарбий комиссари ўринбосари капитан Ш. Соидов ва паспорт бўлимининг бошлиғи Ю. Тухмановлар ёшларга таянган билан гражданик ҳужжатини топширишмоқда.

С. Мусаев фотоси.

Олимлар лабораториясида „Протеин М“ — мускулнинг янги оқсили

★ НОДИР МЕТАЛЛ

Жуда ингичка мускул чинди — унингсиз мус-толаларидан янги оқсил куллар ишлаб олмайдик. — «Протеин М» соф Грузин биофизиги М. Залашвили янги оқсил-ҳолда ажратиб олди. Ҳозирга қадар мазкур (миофибрин)нинг қисқа, табиқатини аденосин, гирофосфор нислота (АТФ) билан ҳаранатла нелти. билинган фақат икки оқ-сил — ақтин ва мезонин. бинг ҳоссалари билан боғланган, деб ҳисобла-ди. «Протеин М» моль-нардн. «Протеин М» маз-кур процессинг учинчи спирални эслатади. Бун, зарур участкаси бўлиб дай спирал узунлиги

анидан юз барабар ор-тот. Бу молекула водо-род атомидан 300 ми-марта оғир. (ТАСС мухбири).

Кабарда-Балкар АССРдаги баланс Т

Қозон шаҳрида баскетбол бўйича «А» класс иккинчи гуруҳга командаларнинг Бутуниттифок мусобақалари тугади. Бу мусобақаларда иттифоқимиздан 8 команда қатнашди. Республикада спорт шарафини «Буревестник» жамиятининг спортчилари ҳимоя қилдилар. Терма командамиз аъзоси А. Жармухамедов бу мусобақаларда энг яхши марказий ҳужумчи деб топилди ва мамлакат терма командаси аъзоллигига номзоди кўрсатилди.

Турнирда унчалик муваффақиятли қатнашмаган спортчиларимиз энди Донецк шаҳрида 22 февралдан 1 мартгача 10—18 ўринлар учун кураш олиб боради.

СПОРТ ШУҲРАТИ

Ўзбекистон спорт жамиятлари ва ташкилотлари Марказий Совети раисининг ўринбосари Эльмар Аминов, Республика спорт жамиятлари ва ташкилотлари бирлашмасининг II пленумида сўзлаган нутқида қайси мактабда спорт оммавий тус олган бўлса, шу мактабга раёи олимпиядада қатнашиш ҳуқуқини олиши керак, деб айтиб ўтган эди. Чунки кўпгина мактаблар спортнинг оммавий тус олишига эътибор бермай, спортнинг бир ёки икки турини бўйича терма команда тайёрлаб, сифдан ташқари сенциялардан ўқувчиларнинг кўпчилиги қисми четда қоларди. Бу мактаблар умуий ҳисобда «кисси» ўрталықдан жой олиб, «совақ» сўзлардан холи эди.

Бу пленум қарори район спартакиадалари

нинг барча туридаги мусобақаларнинг қатнашиш ҳуқуқини олиши керак, деб айтиб ўтган эди. Чунки кўпгина мактаблар спортнинг оммавий тус олишига эътибор бермай, спортнинг бир ёки икки турини бўйича терма команда тайёрлаб, сифдан ташқари сенциялардан ўқувчиларнинг кўпчилиги қисми четда қоларди. Бу мактаблар умуий ҳисобда «кисси» ўрталықдан жой олиб, «совақ» сўзлардан холи эди.

Бу пленум қарори район спартакиадалари

эса баландликка сараш мусобақасида қатнашиб, командаларнинг юқори ўринларини эгаллашга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Мактаб физкультура коллективининг «Физкультурачилар бурч»и бир неча кубоклар катори, Республика спорт жамиятлари ва ташкилотлари марказий совети томонидан берилган Фахрий ёрлик ҳам беэаб турибди. Унда қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «1965 йил Минск шаҳрида ўтказилган, ўқувчиларнинг Бутуниттифок мусобақаларига мамлакат спортчиларини тайёрлаган ҳужумчи». Республика терма командалари составида волейбол бўйича 1-разрядли Эльмар Кельдиев, Анатолий Семёнов, баскетбол бўйича Наталья Давидова, теннис бўйича Сергей Криловлар бор эди. Республика терма командаларининг муваффақиятли қатнашишида уларнинг ҳиссалари катта.

Мактаб — спортчилари орасида СССР спорт мастери нормасини бажарган спортчилар оз эмас, А. Абдуллаев баскетбол бўйича СССР ёшлар терма командасининг аъзосидир. Яковлев ва Тьютинх қилчбозлик бўйича СССР спорт мастери бўлиш билан бирга гимнастикадан Ўзбекистон терма командасининг аъзосидир. Бундай мисолларнинг ўнлаб келтириш мумкин. Утган йил ўтказилган мусобақалардан 376 ўқувчи спорт разрядларини, 256 ўқувчи ГТО нормасини бажарган бўлса, мактабда ўтказилган семинарларда, амалий машғулотларда 50 та янги ўқувчи жамоатчи инструктор ва спорт тури бўйича судьялар қилиб тайёрланди. Бу ишларда ўқувчилар бошқича мактаб физкультура коллективи ақидан ёрдам бериб келганда, унда мактаб комсомол комитети физкультура секторининг иш ҳам мақтовга сазовор. Физкультура ўқувчилари Николай Яснин, Геннадий Семёновларнинг хизматлари каттадир.

Мактаб республика мида спорт аренасига юқори разрядли спортчиларни тайёрлаб берибгина қолмай, физкультурачилар сонини янада кўпайтириш «Спорт клуби» номини олиш учун курашмоқда.

А. ТУРГУНОВ.

Баскетбол мусобақалари

Октябрь район биринчилиги учун ўқувчилар ва қизлар ўртасидаги баскетбол мусобақалари якуниланди. Бу «жанг»ларда май ойида ўтказилган XIII Шаҳар спартакиадасида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун 40 га яқин мактаб командалари қатнашди. Қизинг олиншлардан сўнг ўқувчилар ўртасида биринчи ўринни 10.мак.таб терма командаси эгаллади. Қизлар ўртасида эса 165.мак.таб баскетболчилари галиб чиқдилар.

Финал олд ва финал мусобақалари шуни кўрсатдики, ҳали кўп командаларда спортчиларнинг штраф тўли таш-

лашда, ўрта ва узоқ ма-сифалардан тўлини олишда маҳоратлари етишмайди.

Шаҳар спартакиадасида галиб бўлиш учун 10 ва 165.мак.таб баскетболчилари, техника ва тактикадаги камчиликлари бартараф этишда кўп машқулотларни керак, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, баскетбол ўйини район ўқувчиларининг секинми ўйинлари-дан биринга айланган. Утган йилларда биринчилиги учун кураш фанат 10, 42, 19.мак.таблар ўртасида ўтган бўлса, бу йил эса курашувчилар сонини 15 баравар кўпайди.

Октябрь район биринчилиги учун ўқувчилар ва қизлар ўртасидаги баскетбол мусобақалари якуниланди. Бу «жанг»ларда май ойида ўтказилган XIII Шаҳар спартакиадасида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун 40 га яқин мактаб командалари қатнашди. Қизинг олиншлардан сўнг ўқувчилар ўртасида биринчи ўринни 10.мак.таб терма командаси эгаллади. Қизлар ўртасида эса 165.мак.таб баскетболчилари галиб чиқдилар.

Финал олд ва финал мусобақалари шуни кўрсатдики, ҳали кўп командаларда спортчиларнинг штраф тўли таш-

ИЖОД ЎҒРИСИ

Уш Тошкентдаги ҳамма журнал, газета редакцияларида, нашриётларда, радио ва телестудияда таъинланди. У киши билан гўл эркин, эски таъинлардай беамдол сўхбатлашди.

Ўқибиз, Фикрларнингизни айтасиз.

— Йўқ, — дейди у мулоимлик билан. — Йўқ, азизим, сиз худди шу ерига тушунмадингиз. Аслида мана бундай бўлади.

Бир амаллаб тушунингиз ҳақиқат қиласиз. Аксарият пайтларда «тушунтириш тексти»га тахминан мана бундай гаплар қўшилиб туради:

— Хикояни МГУни битираётган йилдан бағаман...

— Эрондан олган таассуротларим ҳамон кўз ўнгимда...

— Ҳозир союзда ишлаяман. Иш осон, эркинлик, айлик ҳам яхши...

Бориники, кўз ўнгингизда кўпни кўрган, кўп эъларни кезган (ҳатто узоқ вақт ўша ерларда яшаган), яхши ўқиган, устозлар сабогини олган умидли ёш ёзувчи жонланди. Хикояси ҳам чакки эмас. Журналларда, газеталарда асарлари аввад ҳам чиққан. Китоблари нашр этилган. Шубҳаланишга асос йўқ. Хуллас, ҳикоя чиқди.

Газетамизнинг шу йил 7 февраль сониди ҳам шу қалам канининг «Рашик» сарлавҳали ҳикояси чиқди. Чиндано, кетидан ишқали чиқиб қолди. Ўқувчилар ҳикоя муаллифи ўйлаган даражада аниқ эмас. Газетани ўқиган адабиёт муҳлиси «Работница» журналнинг 1963 йил апрель сонини ўқи маган, деб ким айтган?

Хом сўз эмган «ёзувчи» италия адиби Альберто Моравианинг «Матильда» ҳикоясини кўчириб, редакцияга кўтариб келатганда масаланинг ана шу қалтис томонини ўйламаган экан!

«Кўчирган» деган ибора муаллифга оғир ботса керак. Йўқ, у таржима қилган. Италия исмлирини ўзбек исмларига аударган. Антиқа таржима!

Масалан, Джулио Али бўлган, Матильда эса Гульнозага айланди. Албатта, қаҳрамонлар ўзбек бўлганидан кейин

воқеа ҳам Римда эмас Тошкентда бўлиши, йилит билан қиз ҳам Камитетли майдонда эмас, Университет кўчасида учрашди. Христосфор Колумб кўчасида эмас. Шота Руставели кўчасидан ўтишлари керак.

Муаллиф дидликни эмас ми, италия адибининг ҳикоят сита «жюдий» ёндошган. Жумладан, ҳикояни қаҳрамон тилдан эмас, автор тилидан олиб боради. Қаҳрамонларини ак шайба кўни эмас, шайба тилида унрашди. (Бизда ахир ошмаккашқуқлар шайба кўни ишламайди-да!). Моравианинг қаҳрамони Джулио киз билан мотороллерда денгиз бўйига чиқади. Бизнинг Али эса анча бадавлат йилит. У севилган Гульнози мотороллерда эмас, шахсий автомобилда Тошкент денгизига олиб чиқади. Джулиога қараганда Али анча унчан йилит. Денгиз бўйида Матильда қўмилиш учун кийимини алмаштираётганда Джулио унга қарайди. Али эса Гульнози ниманасини деб тексари қараб туради. Яна бир ерда Матильда да ошмакка «сен мени кўтариб кирмоққа олиб чиқ» деб эркаланади. Гульноз эса ибони илти. Ингития ўшига унадию, қўлган да кўтаришайди!

Шу! Қолган барча ерларида Джулио билан Матильда нима қилса, Али билан Гульноз ҳам шуни такорлайди. Нима деса шуни қайтаради. Елгон бўлмагани. «Рашик» ҳикоясининг авторини ўз ёнидан учта жумла қўшган. Али бир сафар «Кўзим учиб турувди» дейди. Яна бир гал «Мен фолбин эмасман» деб тўнғиллайди. Тамом! Ҳикояда муаллифининг бошқа бир миярлик ҳам ҳақи йўқ. Қолган ерларини айнан кўчирган.

Дарвоқе, «Рашик» ҳикоясини ўқимаганлар янги ўқисини. Бу — адабиёт атрофида ўралашиб юрган хожим Саида Азимова бўлади.

Эътибор ОХУНОВА, Гулчеҳра НУРИЛЛАЕВА, Раҳима ШОМАНСУРОВА, Мирзиёд МИРЗОИДОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Улмас УМАРБЕКОВ, Учқун НАЗАРОВ, Шукур ХОЛМИРЗАЕВ, Тўлқин Худайберди ТУХТАБОВЕВ, Маҳкам МАҲМУДОВ, Ўткир ХОШИМОВ.

18 февраль, кундуз соат 12 да Ўзбекистон КП МК Бирлашган Босмаҳонасининг мажлиси ўтказилди. (Биринчи бўлими) 26-уйи «Новости Матбуот Агенти» (АПН)нинг Ўзбекистон жамоатчилик бўлимининг «Кисси» сўзларини йилитиш бўлади.

(АПН) тасис ташиқлотлари — Журналистлар союзи, Ўзбекистон союзи, Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа комитети союзи, «Билим» жамияти аъзолари тақдир қилинади.

Мажлистан сўнг «АПН» кинофильми намойиш қилинади.

ТОШКЕНТ
Оқшоми 1 бет

БИЗНИНГ АДРЕС:
Тошкент шаҳар,
Держинский кўчаси, 15-уй

ТЕЛЕФОНЛАР: коммуторатор 83.02.49 дан 83.02.58 гача. Қўшимча телефонлар: секретариат — 5.62; партия, совет ва насаба союзи ташкилотлари бўлими — 3.66; санъат, маданият бўлими — 7.83; шаҳар ҳўжалиги бўлими — 7.83; физкультура ва спорт бўлими — 3.79; катлар ва оммавий ишлар бўлими — 7.84; иллюстрация бўлими — 7.84; эълонлар бўлими — 5.07; (шаҳар телефони — 83.81.42).



Редакция почтасидан БУЛАР ИКИР-ЧИКИР ЭМАС

«Тошкент оқшом»га келадиган хатларни ўқир экансиз, газетхонларнинг шаҳар ҳаёти билан ниҳоятда қизиқганликлари аён бўлади. Уларнинг айримлари пойтахтимиз истиқболи билан қизиқсалар, айримлари ундаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида хабар қиладилар. Қўнига биз ана шу хатларнинг баъзилари билан таъинтирмиз.

Республика «Союзпечать» ходими Э. Хамидов айрим троллейбус ҳайдовчиларнинг кўпчилигини «вазифасиз» пасажирларга меҳрибонлик билан хизмат қилиши, ўз вақтида тўхташ жойларини айтиб туриши ҳақида миннатдорчилик билан ёзади. Бинонор И. Облоеров редак-

цияга йўллаган «Мархамат — раҳмат» сарлавҳали мақоласида Чилонзор массивиди 51-озик-овқат магазини хизматчиларининг ҳақида шикоят хатлари бор. Жумладан газетхон Т. Бегимкулов Собир Раҳимов номли паркида 12—«Гулистон» ошхонасида кишиларни кўнглини ранжитмай, уларга хушмуомалалик билан хизмат кўрсатадиган кишилар билан бирга келувчиларини узоқ куттириб қўладиган, уларга кўпол муомалада бўлишдан ҳам тўймайдиган З. Набатникова ва Р. Абдулова наби офисчилар ҳам борлиги тўғрисида ёзади.

«Тошкент оқшом»га келадиган хатларни ўқир экансиз, газетхонларнинг шаҳар ҳаёти билан ниҳоятда қизиқганликлари аён бўлади. Уларнинг айримлари пойтахтимиз истиқболи билан қизиқсалар, айримлари ундаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида хабар қиладилар. Қўнига биз ана шу хатларнинг баъзилари билан таъинтирмиз.

«Тошкент оқшом»га келадиган хатларни ўқир экансиз, газетхонларнинг шаҳар ҳаёти билан ниҳоятда қизиқганликлари аён бўлади. Уларнинг айримлари пойтахтимиз истиқболи билан қизиқсалар, айримлари ундаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида хабар қиладилар. Қўнига биз ана шу хатларнинг баъзилари билан таъинтирмиз.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио
17 ФЕВРАЛДА
БИРИНЧИ ПРОГРАММА
18.10 Бетховен. «Ой соната-си».
18.30 «ШАХТЕР» (Донецк) — «ПАХТАКОР» командалари футбол ўйини ҳақида репортаж. «Пахтакор» стадионидан олиб эшиттирилади.
20.00 «Рентабеллик асосида» деган эшиттириш (русча).
20.10 Раъно Ҳидоятноза куйлайди.
20.45 Сивий биланлар радионивертети. «ИПСнинг социализм ва коммунизм қурилишидаги тажрибасининг халқаро аҳамияти» (ўзбекча).
21.20 Қишлоқ ҳўжалик ходимлари учун концерт.
22.00 «Дунё воқеалари» (ўзбекча).
22.10 Оқшом куйлари.
22.40 Шонли 50 йиллик олдидан. Ойбек. «Темирчи Жўра» деган радиоконпозиция (ўзбекча).
23.20 Қишлоқ ҳўжалик ходимларининг талабларига мувофиқ концерт.

МОСКВА КўРСАТАДИ
21.00 Қишлоқ ҳўжалик ходимлари учун «Яхши уруғ — хосили бўлу» деган эшиттириш.
21.40 «КўЧАЛАР ЭСЛАДИ». Вадийн фильм.
ИКИНЧИ ПРОГРАММА
Ўзбек тилида:
18.00 Болалар учун «Ватан учун курашганлар» деган эшиттириш.
18.30 Сирдан тўғлим олаётган студентлар учун. Ўзвў эшиттиришлари программаси. Чизма геометрия (рус тилида).
19.35 Телевизион янгиликлар.
МОСКВА КўРСАТАДИ
19.45 Ўқувчилар учун «Инонория» телевизион агентлиги. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
20.30 «Здоровье».
21.00 Телевизион янгиликлар.
21.10 Кино хавасдорлари клуби. «Ярославль ёшлиги».
22.00 М. Дроон. «Савёхчи». Телеспектакль премьераси. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
23.00 Янгиликлар остафетаси.
24.00 Москва эшиттиришларининг охири.

КИНО театраларда
17 ФЕВРАЛДА
Туннель — НАВОИЙ номли. «НАЙКА» (кечурун). «ДРУЖБА» (1-зада ток соатларда). «МИР» (ж у ф т соатларда).
Лайлак келди — Ёз бўлди — «ЎЗБЕКИСТИН» 25 ВИЛЛИГИ» (кечурун). НАВОИЙ номли (кеч соат 10 да).
Атчиқ гўрч — «ЎЗБЕКИСТОН». «МОСКВА». «ВОСТОК» (кечурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
20 февральда
Шаҳар студентлари учун музика маданияти университет
5-АВОНЕМЕНТ БЎЙИЧА
УЧИНЧИ КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЈА
«Янги асарлар концерти»
(Ўзбекистон композиторлари ва шoirлари билан учрашув)
Лейтор — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат аробми музикашунос Илё Акбаров.
Концертда Ўзбек Давлат филармониясининг хор капелласи, СССР халқ артисти — Саодат Қобулова, Ўзбекистон ССР халқ артистлари — Шаҳодат Раҳимов, Насим Хошимов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Қўндуз Мирраимова, Сасон Беньямин, Баҳром Мавлонов, солистлар — Офелия Юсупова, Гафур Азимов, Долорес Жахонгирова, Марлис Юсупов ва ўзбек халқ чолу асбоблари ансамбли қатнашадилар.
Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Абдуқаҳҳор Султонов.
Концертмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Иван Фоменко.
Концерт-лекция неч соат 7 яримда бошланади.
Абонемантлардан ташқари билетлар концерт зали касасида кундуз соат 2 дан, район насадаларида кундуз 12 дан сотилади.

ТЕАТР
НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/II да Майсарининг иши, 18/II да Анда.
ХАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/II да Парвона, 18/II да Қирол Лир.
МУКМИЙ НОМЛИ ТЕАТРИДА — 17/II да Катта концерт.

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ
Ўзбек тилида:
20.45 Телевизион янгиликлар.
20.55 Концерт.
21.35 ВАДИЙН ФИЛЬМ.

1967 йил 27 февраль кундуз соат 12 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих ва археология институтини илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, конференц-зал) тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: А. Ш. Доло «Коммунизмнинг моддий-техника базаси»

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР
Диссертация билан илмий мумкин (А. Тўқоев академия кутубхонасида таққисси, 1-уй).